



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 9 ноябрь, № 220 (5894)

Шанба

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ Косонсой туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Баркас текс" қўшма корхонасининг юқори сифатли момиқ сочиқлари ички ва ташқи бозорда тобора хариддоргир бўлиб бормоқда.

Хорижда ҳам хариддоргир

Айни пайтда бу ерда йилга 100 минг погон метр ҳажмида маҳсулот тайёрланапти. Унинг ярмидан зиёди экспортга чиқаришга қарилмоқда. Талаб ва тақдир уйғунлигини таъминлаш учун интилаётган корхона жамоаси яқинда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга киришди. Мазкур йўналишда тузилган бизнес лойиҳага муво-

фик, 400 минг АҚШ доллари миқдорда техника ва технологик модернизациялаш ишлари бажарилиб, қувватлар икки баравар оширилди. Ўз навбатида, экспорт ҳажми ҳам кескин кўпаяди, ишловчилар сони эса 70 кишига етади. Истеъмолчиларга йигирмадан ортқ турдаги момиқ сочиқлар етказиб бераётган корхонада жорий йилнинг ўтган ўн ойида 300 минг АҚШ доллари-дан зиёд миқдордаги маҳсулот хорижга жўнатилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Хива туманининг Заунгур шаҳарчасида жойлашган, "Урганчтрансгаз" шўъба корхонасига қарашли "Газэнергитехник" корхонасида маиший иситиш қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Буюртмалар кўпаймоқда

Бунинг учун 117 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ташкил этилган янги цех бир йилда 2 минг 400 дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Қозонлар конструкцияси корхона муҳандислари томонидан яратилган бўлиб, улар нафақат газ, балки кўмир ва ўтанда ҳам иситишга мослаштирилган. Бу эса мижозлар эътиборини тортмоқда.

Ўтган қисқа муддатда корхонанинг 20 кишилик жамоаси 7 турдаги, 75 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Навбахор туманидаги "Қоратог чорваси" фермер хўжалиги қошида трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юрита бошлади.

Янги дастгоҳлар имконияти

— Бизнес лойиҳамизни амалга оширишда Хитой технологияси қўл келди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Боев. — 120 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига келтирилган дастгоҳлар тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, маҳсулот ранги ва беагаи компьютер орқали танланади. Ҳозир бу ерда маҳаллий ёшларимиздан 10 нафари меҳнат қилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини, жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис чоғида таъкидлан-

диган, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, шу жумладан, етим болалар ва ота-онасининг қарамидан бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали, кўп погонли тизими яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қону-

ний манфаатларини судлар ва бошқа муассасаларда ҳимоя қилиш ишлари йўлга қўйилган. Депутатларнинг фикрича, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, шу жумладан, етим болалар ва ота-онасининг қарамидан бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ушбу соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг чегараларини белгилашга, ўзига васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар мулкни сақлаш ва бошқариш масалаларини тартибга солишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Жамиятимизда маънавий муҳитнинг юксалиши, фарзандларимизни шу асосда тарбиялашда оиланинг ўрни беқийс. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ушбу йўналишда устувор вазифалар белгиланган бўлиб, ҳудудларда унинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Жамиятнинг мустаҳкам таянчи

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Республика «Оила», Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий марказлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференцияда ҳам жамият ри-

вожи ва тараққиётида оиланинг ўрни хусусида атрофда сўз юритилди.

Анжуманда мамлакатимизда оилалар фаровонлигини юксалтириш, унинг тинчлиги ва тотувлигини асрашга қаратилган ишлар тизимли равишда амалга оширилаётгани қайд этилди. Айниқса, оила муно-

сабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солингани унинг ҳаётимиздаги аҳамияти катта эканини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари оилада соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш, айниқса, ёшларнинг оила ҳақидаги тушунчаларини янада бойитиш зарурлигига эътибор қаратиб, жойларда мунтазам ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг роли, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги ҳиссаси беқийслигини қайд этишди.

(Давоми 2-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида кузатилаётган барқарор ривожланиш суръатлари, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан тўшмаётгани, жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ва асосли ўрнимизга эга бўлаётганимиз ҳар биримизда фахр туйғусини уйғотаяпти.

Экспорт салоҳияти ва тараққиёт



давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратиш, соҳага қўллаб-қувватлаш бериш. Юртимизда айнан шундай сиёсат юритилгани боис тарихан жуда қисқа давр ичида ушбу ҳаракат қудратли кучга айланиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда асосий таянч сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумот ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, юртимизда хусусий тадбиркорлик дастлаб савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ва алоқа соҳаларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида ривожланган бўлса, бугунги кунда у кириб бормаган жабҳа даярли қолмади.

Илгор илм-фан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармакология ва фармацевтика ёки ахборот-коммуникация тизими, қурилиш жабҳаси бўладими — буларнинг барчасида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият юритиб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотларга тўлдирди билан

10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни



Хосен ПАЙДОНОВ оловчи сурат.

ЮКСАК МАРРАЛАРГА ИНТИЛГАН АВЛОД

2012 йили мамлакатимизда «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу нуфузли тадбирнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислоҳ Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деган эди:

«Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шarti ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ».

Ушбу фикрлар исботини мамлакатимиз ўғил-қизларига яратиб берилган бекаму кўст шарт-шароит ҳамда бунга муносиб тарзда улар эришаётган қувонarli натижалар тимсолида кўриб турибмиз.

(Давоми 4-бетда).

Давлат органлари фаолияти очиқлиги

фуқароларнинг ахборот олишдаги ҳуқуқини кафолатламоқда

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишига кўра, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент маҳаллий бошқарув органларининг фуқаролар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Айни пайтда эксперимент субъектларидан бири — Самарқанд шаҳар ҳокимлигида қонун лойиҳаси нормалари ижроси юзасидан қатор ишлар амалга ошириляпти. Ҳуқуқий ҳужжатнинг 7-моддаси талаблари асосида ҳокимлик ҳузурида ахборот хизмати ташкил этилиб, зарур техника воситалари билан таъминланди.

— Ахборот хизмати шаҳар ҳокимлиги фаолияти, ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан аҳолини хабардор этиб бориш каби вазифаларни бажариб келаяпти, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Алимардон Раҳматуллаев. — Шунингдек, мазкур хизмат ҳокимлик раҳбар ва маъсўл ходимларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини уюштириш, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиш, ҳокимлик веб-сайти —

www.samshahar.uz фаолиятини мувофиқлаштириб боришдаги масъулиятни ҳам зиммасига олган. Ҳозир шаҳар ҳокимоти томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳокимлик наشري — «Самарқанд» газетаси ҳамда веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг 11-моддаси талаблари бўйича шаҳар ҳокимлигининг веб-сайти янада такомиллаштирилди. Унда шаҳар ҳокимлиги ва унинг тузилмаси, вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, рекевизитлари, раҳбарияти тўғрисидаги ахборотлар, иш тартиби, жумладан, фуқароларни қабул қилиш тартиби, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва хизмат кўрсатиш тартиби, расмий тадбирлар (мажлис, учрашув, брифинг, коллегия ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

15,9
фоизга
ўсди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол талабини рағбатлантириш, иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган дастурий чора-тадбирларнинг изчил ижроси туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва пировардида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўйга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар туғайли маҳалланинг жамият ҳаётида тугган ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодлар кўрсатиш — юксак масъулият

Айни чоғда ушбу институт демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ вийдони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда”.

оилаларнинг жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашларида елкадош бўлиш, бу борада уларга зарур кўмак ва маслаҳат бериш ишларига бошчилик қилишга қодир бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

бўлишлари ҳам кўзда тутилган. Зеро, номзодларнинг олий маълумотга ҳамда сиёсий ҳаётда қатнашиш учун муайян кўникмага эга бўлиши уларнинг мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида фаол қатнашишларида, фуқаролар йиғини раиси зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, олий маълумотли фуқаролар йиғинлари раислари ўз фаолиятларини ҳам юқори савияда ташкил этадилар. Бу амалиётда ўзининг кўп бора ифодасини топан ҳақиқатдир.

Чунончи, оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги икки йил мобайлида мамлакатимизда оилавий ажримлар сони сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари, “Оила” илмий-амалий маркази мутахассисларнинг республика миқёсида ўтказилган социологик сўровлари, шунингдек, мамлакатимиздаги ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ундаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари

Жамиятнинг мустаҳкам таянчи

бўйича маслаҳатчиларининг самарали фаолияти оила-ниҳоқ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни қулайтиришда муҳим омил бўлаётди. — Таъдбир давомиди ота-оналар, ёшларнинг оиладаги ўрни, соғлом авлод тарбиясида оиланинг аҳамияти юзасидан бир қатор маърузаларни тингладик, соҳа мутахассисларининг бу борадаги илмий тадқиқот натижалари билан танишдик, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлинмаси бош мутахассиси Мунира Орипова. — Албатта, бу келгусидаги фаолиятимизда қўл келадди. Айни пайтда маҳаллаларимизда саломатлик, бандлик, таълим, оилавий муносабатларга оид шўъбалар фаолият юритаётгани ҳаётимизда учрайдиган айрим масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишимизда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида “Ватан тараққиётга менинг ҳиссам” мавзюда ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика “Хунарманд” уюшмаси, бир қатор вазирлик ва идоралар, ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда хунармандчилик, фермерлик ва қасаначилик фаолияти билан шуғулланаётган ёш тадбиркорлар иштирок этди.

Ёш тадбиркор — юртга мададкор

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор натижасида жойларда янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг барқарор даромад манбаи яратилмоқда. Бундан мақсад, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида урф-одатларимиз ва кадрларимизнинг бардавомлигини таъминлашдир.

— Халқимизда изланган имкон топар, деган нақл бор, — дейди чироқчилик ёш тадбиркор Азиззоҳ Шарипова. — Биз ҳам яратиб берилган имкониятлардан фойдаланишга ҳавас қилишимиз, шубҳасиз, негаки, бири-бирдан чиройли зарчопонлар, паллак ва кашталар, ироқи дўппилар, ноёб адрасу атласлар, сурхоннинг чанқовузую Ташкент чиниллари иштирокчиларнинг қизиқиши, мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди.



Экспорт салоҳияти ва тараққиёт

бозор конъюнктураси хавфхатарларидан ишончли ҳимоя қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Шундан келиб чиқиб, ўтган қисқа давр ичиде жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлимлари очилди. Бу бўлимларга, ўз навбатида, малакали мутахассислар жалб этилиб, улар ташқи савдо операцияларини бажаришда зарур бўладиган барча замонавий алоқа ва техника воситалари билан тўлиқ таъминланди. Бундан англашладикки, экспорт йўналишида кичик

бизнеснинг улушини ошириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Чунончи, 2012 йилнинг 9 ойида соҳанинг бу ҳабадаги ҳиссаси 13,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 19,1 фоизга етди. Бунда, табиийки, экспортчи қорхоналар савига қарийб 470 та кичик бизнес субъекти қўшилгани муҳим омил бўлди. Кеча Ташкент шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида маълумот берилди. Таъкидландики, жамғарма

ҳаларда иш тажрибасига эга бўлган ҳамда фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланганлар фаолиятида ижобий ютуқларга эришляётгани кузатишмоқда. Бошқача айтганда, уларнинг иш тажрибаси маҳаллаларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда қўл келмоқда. Айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг кўламли вазифаларнинг амалга оширилишини, хусусан, ҳудудларда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини самарали ташкил этиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини қулайтириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш бўлган сайловда сайланадиган йиғин раиси маслаҳатчиларидан ҳам юксак билим ва малакани ҳамда ташаббускорликни талаб этади. Чунки сайланадиган ақсарият маслаҳатчилар, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ, келгусида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилади. Бинобарин, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини таъминлаш, ўз навбатида, уларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир жамоатчилик комиссияси ишини самарали ташкил этиш билан узвий боғлиқ. Шу боисдан ишчи гуруҳлар томонидан бу лавозимларга номзодларни кўрсатиш, қолаверса, сайлов жараёнида қатнашаётган фуқаролар йиғинидаги ҳар бир комиссия фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, муносиб номзодлар учун овоз берилиши долзарб аҳамият касб этади. Умуман олганда, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли, фидойи, маънавий етук ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши маҳалла институтининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, демократик талаблар асосида ўтказилаётган мазкур сайловлардан қўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Ўқтам ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда асосий тушунчалар, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишлари, принциплари, давлат органларининг вазифалари ҳамда вазифаларига белгиланган қўйилмоқда, васий ва ҳомий таъинлашнинг муқаммал тартиби ўрнатилмоқда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳуқуқларининг қонунчилик қафолатлари қулайтирилмоқда, уларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми янада кенгайтирилмоқда. «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси амалдаги ҳуқуқий нормаларни янги қонун ҳужжати мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Оила кодексига киритилган тузатишлар васийлик ва ҳомийлик механизmlарини ривожлантиришга, етим болалар ва ота-онаси қарама-қаридан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашадди.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик тизимининг такомиллаштирилишига, ушбу соҳада фаолият олиб боруви идоралар ва муассасалар фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу механизмларнинг такомиллаштирилиши васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифалари ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармони ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органи ташкил этилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси кун тартибидagi кейинги масала бўлди. Янги кўмитанинг ташкил этилганиги, кўмита

зиммасига юклатилган вақолатларга мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритилган давлолар бўйича кўмита ва унинг ҳудудий органлари давлат божи тўлашдан овоз этилаётганлиги муносабати билан амалдаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар киритилмоқда. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурларига мувофиқ ва сайловчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ўз нуқтаи назарларини билдиридилар. Депутатлар васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви соҳасини бундан бўён ҳам такомиллаштириш учун қўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Давлат органлари фаолияти очиқлиги

фуқароларнинг ахборот олишдаги ҳуқуқини қафолатламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент доирасида шаҳар ҳудудида амалга оширилаётган ислохотлардан аҳолини ҳабардор этиб бориш мақсадида Самарқанд шаҳридаги давлат ташкилоти ва муассасаларнинг 230 та веб-сайти ташкил этилди. Жумладан, шаҳар тиббиёт бирлашмаси www.samshtb.uz ва унинг тузилмасидаги 32 та муассасанинг барчасида, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими www.samshtb.uz ва унинг тасарруфидаги 81 та умумтаълим мактабининг 80 тасида, 95 та мактабгача таълим муассасасининг 90 тасида, шаҳар ҳудудидаги 40 та академик лицей ва катта-хунар коллежининг 28 тасида веб-сайтлар фаолияти йўлга қўйилди. Ахборотлар базаси тезкорликда янгиланиб бораётган мазкур сайтларни ҳозирда замон талаблари асосида такомиллаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги веб-сайтида ташкил этилган мурожаатлар бўлими орқали юридик ва жисмоний шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган масалалар, ҳокимлик фаолиятига оид маълумотлардан бохабар бўлиб бораётди. Жорий йилнинг ўтган даври давомида шаҳар ҳокимлигида юридик ва жисмоний шахслардан жами 6665 та тақлиф ва мулоҳазалар, жойлардаги мазҳаб муаммоларини бартараф этиш юзасидан мурожаатлар келиб тушган. Шундан қирқдан зиёди расмий веб-сайт орқали жўнатилган.

Келиб тушаётган мурожаатлар шаҳар ҳокимлигида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан теозкорлик билан ҳал этилаётгани ўз самарасини бераётти. Энг муҳими, мурожаат мазмунидан келиб чиқиб, гуруҳларга соҳа мутахассислари жалб этилган ҳолда қонун лойиҳасида белгиланган муддатларда жавоб қайтарилмоқда. Ҳокимлик “Ишонч телефони” ҳамда расмий веб-сайтига келиб тушган 650 га яқин мурожаатдан 620 таси ижобий

ҳал этилган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, йўланаётган мурожаатларнинг кечиктириб текширилишининг олдини олиш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиш тизими йўлга қўйилган. Бу эса мурожаатларнинг ўз вақтида ўрганилишини таъминламоқда. Ҳуқуқий эксперимент жараёнида нафақат ташкилот ва муассасалар, балки аҳолининг ҳам фаоллигини таъминлашда шаҳар ҳокимлиги қошидаги “Ягона ойна” марказининг фаолияти самарали бўлаётди. Марказ мутахассислари жорий йилнинг шу даврига қадар аҳоли томонидан йўланган 1050 та шикоят ва аризини ўз вақтида ўрганиб чиқиш ҳамда мурожаатларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди.

Айни чоғда вилоятда ҳуқуқий эксперимент субъектлари сифатида рўйхатга олинган 91 та бошқарув идораси ва ҳокимликларда очиқлик, ошкораликни таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси талабларига кўра, фуқаролар ахборот-қўтубхона, архив фондлари орқали тегишли ташкилот фаолияти ҳақидаги сўровлари асосида оғзаки ёки ёзма шаклларда жавоб олишлари мумкин. Бунинг учун вилоят архив идорасида ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятига оид маълумотлар базаси яратилган. Улардан фойдаланиш учун ўқув зали ташкил қилиниб, барча техник воситалар ўрнатилган. Дастлабки вақтларда бу ерга ҳафта-ўн кунда икки ё уч киши ташкил буюрган бўлса, эндиликда ҳар кун 30 ўринга мўлжалланган зал ахборотдан фойдаланувчилар билан гавжум.

Мухтасар айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган ҳуқуқий эксперимент аҳоли мурожаатларига теозкорликда жавоб қайтарилиши билан ҳам самарали кечмоқда. Эътиборли томони, одамларда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик ҳисси янада қўлмаймоқда. Бундан қўрнанадими, қонун лойиҳаси синови барча имкониятлардан кенг фойдаланишга асос бўлаётти. Мазкур жараёнда жамоатчилик, соҳа мутахассислари томонидан билдирилаётган тақлиф ва тавсиялар, албатта, қонун лойиҳасининг янада такомиллаштирилишига замин яратади.

Илҳом ЖЎРАЕВ.

